ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

Meros

№ 1/2023

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” асарининг ўрганилиши ҳақида 3
Абдухалимов Б. Формуляры записей о разделе наследства из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 16
Каримов Ш. Хондамирнинг “Дастур ал-вузаро” асарида Ғазнавийлар давлати вазирлари ҳақида 27
Файзуллаев Ф. Мовароуннаҳрда Шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келишига доир айрим мулоҳазалар 36

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Раджабова Д. Тарихий манбаларни танқидий таҳлил қилиш (XIX аср охири рус шарқшунослиги ва XXI аср бошларидаги ўзбек манбашунослигидаги қарашлар) 49
Пуговкина О. Правовой статус «бывших людей» в советских конституциях ТАССР – УзССР (1918-1937 гг.) 61
Тошев С. Турк тилидаги тадқиқотларда мустақил Ўзбекистон тарихининг ёритилиши..... 74

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Исматова Н. Россия империяси мустамлакачилиги даврида Бухоро амирлигида вақф мулкчилигининг ҳолати ва хусусиятлари 84

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Миркомилов Э. Шоҳрух Мирзо даврида Темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқалари 99

Разаков Ф. Англо-турецкое сотрудничество по противодействию экспансии России в Кокандском ханстве и в Восточном Туркестане (1860–1878гг.) 109

ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФ

Таниева Г. XVI–XIX асрларда Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарларининг халқлар маданий-маърифий ҳаётига таъсири 128

Разакова М. Одина Хоразмийнинг тасаввуфдаги баъзи истилоҳларга шарҳи 137

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н. Сведения “Мин шилу” о торгово-посольских связях Китая и государств Центральной Азии в XIV–XV вв. 146

Алимова Л. Трансформация семейных отношений в Южнокорейском обществе в конце XX века 158

Акрамова Ш. Межгосударственное сотрудничество Республики Узбекистан и КНР 168

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 2 июндаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

20.09.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

М. Разакова

Одина Хоразмийнинг тасаввуфдаги баъзи истилоҳларга шарҳи

Ҳазрати Одина эшон – Саййид Муҳаммад ибн Саййид Музаффар ал-Аъло ал-Хоразмий ал-Хазораспий 1728 йилда Хоразмда таваллуд топган. Авлодлари ва замондошлари унинг ҳаёти ҳақида айрим маълумотлар ёзиб қолдирган [5]. Ўша давр муаллифларидан Роқим ёзишича, Одина эшон араб, форс тиллари, дунёвий илмлар билимдони, шоир ва моҳир хаттот бўлган. Роқим унинг вафотига бағишлаб марсия ҳам ёзган [6].

Одина Хоразмий маънавий меросидан “Рисолаи Одина эшон”, “Мифтоҳ ал-асрор” (“Сирлар калити”), “Миръот ал-обидийн” (“Обидлар кўзгуси”), “Тавба ат-толибийн” (“Толиблар тавбаси”), “Таржимаи дуойи қунут” (“Қунут дуоси таржимаси”) асарлари бизгача етиб келган. Улар ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Мазкур асарларда муаллиф тасаввуф истилоҳлари ҳақида ҳам тўхталади ва уларни шарҳлайди. Улардан бири “руҳ” ва “тан” масаласидир. Ўтмишда яшаб ўтган алломалар, айниқса, тасаввуф аҳли фикрича, инсон икки асос – жисм ва руҳдан иборатдир. Инсон жисми – сув, олов, ҳаво ва тупроқ унсурларидан ташкил топган. Руҳи фаришталар, жисми ҳайвонот мақомида туради [4: 48].

Одина Хоразмий: “Ҳар бир ғайбатда тан қафасидан руҳларни озод қилади ва тан ҳижобини ечади. Шундан сўнг бениҳоят карам ва бағоят лутф сабабли тан ҳижобларини узоқ қилади, руҳлар ҳар бир ғайбатда бадан қафасидан бўшайдилар, ҳоким ва маҳкумликдан озод бўладилар”, деб ёзади [11: 72*а*].

Унинг таъкидлашича, бенишонлик саҳросига кетиб, руҳлар баданлар билан тинчликка эришади. Жон бенишонлик оламида мушоҳада ва тан иршод амри шуғулидан озод бўлади ва осудаликка етишади. Чунки халқ иршодида ноқислар билан суҳбат сабабли, жонда хиралик пайдо бўлади. Орифларнинг жони бенишонлик саҳросига бориб, руҳлари ва баданлари ором топади.

Рафта дар саҳройи бечун жонишон,
Руҳишон осудаи абдонишон.

Мазмуни: *Жонлари бенишонлик саҳросига кетиб,*
Руҳлари баданлари билан осудалик топди [11: 72*б*].

Одина Хоразмий руҳлар бадандан узилгандан сўнг вужуд хоналаридан бенишонлик ўтлоқларига кетиши, ғайбат тунлари келганда уйғоқлик майдонига қайтишни исташи ва бу билан ўз оёқларига узун кишан солиши, бу кишан руҳнинг баданга боғлиқлигидир, дея мушоҳада қилади:

Лек баҳри он ки рўз оянд боз,
Бар ниҳонд бар пойишон банди дароз.

Мазмуни: *Бироқ кунлар яна келиши учун,*
Оёқларига узун банд соладилар [11: 73*а*].

Бу мулоҳаза: “Ғайб оламининг ўтлоқзори ва “ла” ғайб саҳнининг кўкаламзоридан тортиб олиб, вужуднинг юки остига киритсалар, бирин-кетин тўлиқ фано содир бўлгунича ғайбат юз бераверади. Васл ипининг узиладиган вақтига етгандагина узадилар”, деб давом эттирилади [11: 73*б*].

Муаллиф ёзишича, машойихлар тобеликни уч қисмга ажратади: “Тан, дил ва руҳ тобелиги. Тан тобелиги – уни адабга бўйсундиришдир. Дил тобелиги – дилни мосиво муҳаббатидан ва фикрлардан пок ва мусаффо қилиш, чиройли хулқлар билан безатишдир. Руҳ тобелиги – жоннинг жони бўлган руҳ ва “уларга нуридан сочди” нурига мушарраф бўлишдир” [11: 119*б*].

Гар будй жон зинда бепартав кунун,
Ҳеч гўфтй кофиронро маййитун.

Мазмуни: *Агар жон унинг партависиз тирик бўлганда,*
Кофирларни “ўликлар” деб ҳеч айтармидинг [11: 120*а*].

Муаллиф бу сатрларни: “Руҳ тобелиги уни Расулуллоҳ (с.а.в.) нури ичида маҳв қилиш, унинг чексиз нури ичра Аллоҳнинг беҳад ва бепоён нурини завқсиз ва кам мушоҳада этишдир. Руҳ тобелиги Аллоҳга бўлган тобеликнинг камолидир. Инсон бу комилликка ҳадди етмаса, ҳаракат қилсин, лекин ҳеч қачон тарк этмасин”, дея талқин этади [11: 120*а*].

Одина Хоразмий бу фикрларида Қуръон ва ҳадисга таянади: Расулуллоҳ (с.а.в.) буюради: “Тўлиқ топилмаган ҳар нарса, тўлиқ йўқотилмайди, куч ва қувват етгунча ҳаракат қилсинлар, қидирсинлар, қидиришнинг уддасидан имкон борича чиқа олсинлар” [11: 120*a*]. Руҳ тана, нафс табиат устидан ғолиб бўла олмайди. Инсон ўз асли бўлмиш мутлақ руҳ ҳолатига яқинлашиши, унинг васлига етишиш учун ҳам шундай қилиши лозим.

Муаллиф руҳ ва тан муносабати, гоҳ-гоҳида улар ўртасида содир бўладиган ғайбат ҳолини ақл мушоҳадаси воситасида тушунтиришга уринади. Бу нозик ва мураккаб вазият тўғрисида тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов ёзади: “Тасаввуфдаги ўзига хослик ақлий тараққиётдир, у бор билимларни эгаллаш билан қаноатланмасдан, балки руҳни чиниқтириб, қалбни мусаффолаш орқали буюк камолотга интилади. Ўзини такомиллаштириш орқали янги мақом мартабаларга эга бўлади. Бу фақат назарий тайёргарлик, таълим-таҳсил билан бўлмайди, балки, тариқатни босиб ўтиш, қаттиқ ва қатъий чекланиш ва маҳрумликларни бошдан кечириш лозим” [4: 48]. Тасаввуфга оид рисолаларда ўқувчилар ҳамиша шундай муаммоларга дуч келаверади. Унинг ечимини Нажмиддин Комилов домла яхши кўрсатиб берган. Бу Одина Хоразмий асарлари ва уларда акс этган қарашлари, талқинларига ҳам тегишлидир. Тасаввуф аҳли ушбу масалада: “Парвардигор, унинг қудрати, ғайб оламини ёлғиз ақл билан билиб бўлмайди. Ақл дунёвий билимлар, далил билан исботланиши мумкин бўлган билимларга ярайди. Ғайб илмини идрок этишга ақл ожиздир”, деган фикрни илгари суради [4: 48].

Мавлоно Яъқуб Чархий Қуръоннинг “Жин” сурасида “ғайб илми” ҳақидаги: “Аллоҳ ўзининг ғайб сирларини ҳеч кимга билдирмайди, фақат ўзи ёқтирган пайғамбарларига билдиради”, деган оятни тафсир қилиб, бу ҳол ваҳий, илҳом, мушоҳада ёки туш орқали юз беришини тушунтириб ўтади [12: 77, 17: 69]. Аммо назаримизда, бошқаларга ошкор қилиниши ё етказилиши лозим бўлган ҳар қандай ҳодисанинг охири бирибир ақлга тақалиб якунланади. Одина Хоразмий ёзади:

Н-ояд он илло, ки бар хосон падид,
Боқиён “фий лабси мин халқин жадид”.

Мазмуни: *Бу ёмғир фақат хос бандаларга ёғади,*
Бошқалар эса "янги яратиш ҳақида шакдадурлар" [11: 79*б*].

Ғайб ёмғири – билим бу йўлнинг толиби бўлган хос бандаларга келади. Улар ёмон сифатлардан узилиб, яхши сифатлар билан боғланадилар.

Муаллиф ўз фикрларини ривожлантиришга уринади: "Руҳ соликнинг ҳақиқатидан иборатдир. Ақли кулл билан қўшилиб ва ўша ердан бош чиқариб, ҳазрати Пок Зотни мушоҳада қилади. Унда башарият сифатидан асар ҳам қолмайди" [11: 164*а*].

Шайх Нажмуддин Кубро асарларида тажаллий тушунчасини икки қисмга ажратиб: Биринчиси – Руҳоний тажаллий, иккинчиси – раббоний тажаллий. Раббоний тажаллий ҳам иккига бўлинади: а) улуҳият тажаллий; б) рубубият тажаллий. Буларнинг биринчиси Ҳазрати Муҳаммад, иккинчиси Ҳазрати Мусога тегишлидир", деб ёзади [16: 242].

Одина Хоразмий бу ҳолатга: "Рубубият тажаллийси бўлган маърифат қуёшининг ўз зоти чегарасида ботиши йўқ, бироқ унинг нур сочиши ва ёруғлиги Ҳақ таъолонинг иродасига боғлиқ ва йўқлик висолининг мақоми шу ердадир", деб таъриф беради [11: 116*а*].

Муаллиф фикрича, бу қуёшнинг чиқадиган жойи руҳ (жон) ва ақли куллдан иборат бўлган ақлдир. Солик Расулуллоҳ (с.а.в.) нуридан иборат бўлган ақли куллга етишиб Аллоҳни билади. Бу мулоҳаза Расулуллоҳнинг: "Эй Парвардигорим, менинг шаъним нақадар улуғ, мен ҳақман, чопоним ичида Аллоҳдан ўзга йўқ" [11: 116*б*] ҳадиси билан далилланади. Бу рубубият тажаллийси ва айн ал-яқиндир. Жалолиддин Румий ёзади:

Машриқи хуршид буржи Қиркун,
Офтоби мо зи Машриққо берун.
Машриқи ў нисбати зарроти ў,
Не баромад, не фурушуд зоти ў.

Мазмуни: *Қуёш машриқи – Қиркун буржидир,*
Бизнинг қуёшимиз машриқлардан озоддир.
Унинг машриқи унинг зарраларига нисбатандир,
Унинг Зоти на чиқувчи ва на ботувчидир [11: 119*а*].

Одина Хоразмий бу сатрларни шарҳлаб: “Мазкур байт рубубият тажаллийсига ишора, унинг машриқи – чиқадиган жойи Қиркун буржидир. У жалол сифати, қора рангдадир. Машриқ, пайт ва унинг нурлари ҳаёт ҳамда ўтаётган кундир. Шунинг учун: “Унинг Машриқи зарраларга нисбатандир”, дейди [11: 119*б*].

Қуёш пок Зотга (Аллоҳ) ишорадир. У Шарқ ва Ғарбдан пок ва муназзаҳдир. Шу сабабдан “Унинг Зоти на чиқувчи ва на ботувчидир”, дейилади [11: 119*б*]. Одина Хоразмий бу фикрни бошқа бир жойда давом эттиради:

Баъдаз он ҳар жо равй машриқ шавад,
Шарққо бар мағрибат ошиқ шавад.

Мазмуни: *Шундан сўнг, қайга борсанг, машриқ бўлади,*
Шарқлар мағрибингга ошиқ бўлади [11: 119*б*].

Муаллиф шарҳлашича, улуҳият қуёшининг чиқадиган жойига етиб борган киши унинг васлига эришади, сўнгра қаерга борса ё келса Зот (Аллоҳ) тажаллийси офтобнинг машриқи бўлади. У далил учун Қуръони Каримдан: “Бас, қайси тарафга юзлансангизлар, ўша тарафдадир Аллоҳ таъолонинг юзи” [18] оятини келтиради.

Бу тажаллий барча кўринишлар ва машриқлардан пок бўлса-да, бу маънони ўз ичига олувчидир. Бу ерда машриқни ёд этиш иборатни сиқиқ беришдир [11: 119*а*]. Одина Хоразмий ёзади: “Рубубият тажаллийси, қуёшининг шарқи қийрга ўхшаш қорадир, пок Зот (Аллоҳ) қуёшининг шарқи йўқ, у ҳар қандай рангдан холи бугун мен ўша қуёшнинг нисбатиман (сояси)” [11: 134*а*].

Муаллиф фикрича, ҳад ва қиёсдан ташқари бўлган офарин ва мақтовлар фақат Аллоҳгадир. Улуҳият тажаллийси тўфонини аниқ кўриш – харобалик воситасини орадан кўтаради. Рубубият тажаллийсининг машриқи (чиқиш жойи) оламнинг зарраларида ва У шу зарраларда зуҳур қилади. Аллоҳ тажаллийси учун на машриқ, на мағриб, на чиқиш ва на ботиш йўқ. Шунинг учун “Унинг Зоти на чиқади ва на ботади”, дейилади. У фикрини яна давом эттириб: “Банда олам зарраларининг ортида қолдирилган ва бу зарралар Унинг (Аллоҳ) тажаллий мазҳари соясидир. Демак, инсон икки оламда соясиз қуёшдир”, [11: 134*б*] дея ушбу байтни келтиради:

Бас талаб гардад зи муштоқийн хеш,
Журъа менушад аз соқийн хеш.

Мазмуни: *Ўз муштоқлиги билан талабда бўлгач,*
Ўз соқийсидан қултум май ичади [11: 14*б*].

Банданинг ишқу муҳаббати туғён уради, ўзини чегарасиз саҳрода, хиргоҳ ичида, қайси тарафдан дарича очилиши ва ҳақиқий маҳбуб (Аллоҳ) жилва қилишига мунтазир ҳолда ўтиргандек кўради.

Одина Хоразмий тажаллий ва Ҳақ ал-йақин ҳақида: “Аллоҳ Зотини таниш ва билишга барча ожиздир. Унинг қандай экани ҳақида ҳеч ким фикр юритиб, билишдан дам ура олмайди”, дейди [11: 22*б*]. Мазкур қарашлар асарнинг бошқа саҳифасида давом эттирилади: “Айн ул-яқин мартабасида Ҳақ сифатлари соликда тажаллий воқе бўлса-да, руҳ тарбият ҳужрасида ўша ҳолида саломат сақланиб туради. Демак, алвон нурлар ва тажаллиётни мушоҳада қилиш мумкин. Ҳақ ал-йақин даражасига етганда ва Илоҳий тажаллиёт муяссар бўлганда мушоҳадалар бутунлай қолмайди” [11: 24*а*]. У руҳ улуҳияти ҳақида дейди:

Нуҳвор ар садмате зад дар ту руҳ,
Кў йаму кў кештину кў тўфони Нуҳ.

Мазмуни: *Нуҳ каби руҳ сенга бир зарба берса,*
Қани денгиз, қани кема, қани Нуҳ тўфони? [11: 188*а*].

Бу сатрларда руҳ улуҳият тажаллийсидан иборатдир, у соликнинг жонига бир зарба етказса, на баҳр, на вужуд кемаси, на сиқилиш ва ғам тўфони ва на бошқалардан асар ҳам қолмаслиги баён қилинмоқда.

Илм аҳли ва бошқалар ҳам инсон вужуди, тан ва руҳ масаласига азалдан қизиқиб келади. Ўтмишда алломалар бу борада кўплаб турли мулоҳазаларни айтиб ўтган. Инсон вужудидаги руҳ ва тан масаласи ҳақидаги мунозаралар бугун ҳам қизғин давом этмоқда. Бу мавзу инсон ўзлигини англаши учун чексиз бир майдондир.

Фойдаланган адабиётлар

1. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри / Нашрга тайёрловчи, фил.ф.н. А.Ирисов. Тошкент, 1993.

2. Ирисов А. Фаробий адиб. Тошкент, 1975.
3. Ислом. Энциклопедия. Тошкент, 2004.
4. Комилов Н. Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси / Шарқ машъали, 1998. 1-2-сон. Б. 48-51.
5. Латифжонхожи Баҳоуддин ўғли. Ҳазрати Одина Эшон қиссаси. Тошкент, 2001.
6. Латифжонхожи Баҳоуддин ўғли. Хоразмлик маърифат соҳиби. Тошкент, 2003.
7. Мавлоно Хароботий. Куллиёт. / Нашрга тайёрловчи, табдил, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифлари М.Ҳасаний, М.Разакова. Тошкент, 2009.
8. Наврўзова Г. Нақшбандийликда “тажаллий” тушунчаси / Фалсафа ва ҳуқуқ, 2004. 2-сон. Б. 15–19.
9. Нуритдинов М. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI–XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. Тошкент, 1991.
10. Одина Эшон. Рисолаи Одина Эшон. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 3902/IV.
11. Одина Эшон. Мифтоҳ ал-асрор. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 7143.
12. Разакова М. Мавлоно Яъқуб Чархийнинг илмий мероси. Тошкент, 2013.
13. Разакова М. Мавлоно Яъқуб Чархийнинг илмий мероси ва унинг нақшбандия тариқати ривожида тутган ўрни (XIV–XV асрлар) / Т.ф.н. ... дисс.. Тошкент, 2001.
14. Собрание Восточных рукописей академии наук Узбекской ССР (СВР.). Т.IV. Тошкент, 1957.
15. Туленова Г. Руҳий – фалсафий қарашлар муштараклиги. / Фалсафа ва ҳуқуқ, 2005. 4-сон. Б. 9-12.
16. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Тошкент, 2004.
17. Яъқуб Чархий. Тафсири Чархий. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 3306.
18. Қуръони Карим / Таржима ва тафси муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. Тошкент, 2021.

М. Разакова

Одина Хоразмийнинг тасаввуфдаги баъзи истилоҳларга шарҳи

Мақолада хоразмлик аллома Ҳазрати Одина эшон – Саййид Муҳаммад ибн Саййид Музаффар ал-Аъло ал-Хоразмий ал-Хазораспий ҳақида маълумот берилган. У ўз даврининг кўзга кўринган мутасаввуфи ва таниқли шоири эди. Бизгача маънавий меросидан “Рисолаи Одина эшон”, “Мифтоҳ ал-асрор” (“Сирлар калити”), “Миръот ал-обидийн” (“Обидларнинг кўзгуси”), “Тавба ат-толибийн” (“Тавба қилувчиларнинг тавбаси”), “Таржимаи дуойи қунут” (“Қунут дуосининг таржимаси”) асарлари етиб келган. Улар ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Тадқиқотда алломанинг руҳ ва тан муносабатлари масаласи ва бу жараёнда Аллоҳ иштирокига оид фалсафий қарашлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Одина эшон, тасаввуф, руҳ, жон, тажаллий, улуҳият, айнул-йақин, Ҳақ ал-йақин, рубубият, ваҳдат ал-вужуд, илми ғайб, Қуръони Карим.*

М. Разакова

Комментарий Одины Хорезми к некоторым терминам в суфизме

В статье приводятся сведения о Хазрате Одина Ишане – Саййид Мухаммад ибн Сайид Музаффар ал-А'ла ал-Хорезми ал-Хазараспи. Он был выдающимся мистиком и известным поэтом своего времени. Из его духовного наследия до нас дошли «Рисалаи Одина Эшан», «Мифтах ал-Асрар» («Ключ тайн»), «Мир’ат ал-абидийн» («Зеркало молящихся"), «Тауба ат-Талибин» (Покаяние кающегося), «Таржимай Дуойи Кунут» («Перевод Дуа Кунута»). Они хранятся в сокровищнице рукописей Института востоковедения АН РУз.

В исследовании проанализированы философские взгляды ученого на вопрос о взаимоотношениях души и тела и участии Бога в этом процессе.

Ключевые слова: *Одина Эшан, суфизм, дух, душа, таджалли, улухийят, айнуль-якин, хак ал-якин, рубубият, вахдат ал-вуджуд, ильми гайб, Священный Коран.*

M. Razakova

Commentary on some terms in Sufism by Odina Khorezmi

The article presents information about Hazrat Odina Eshan - Sayyid Muhammad ibn Sayyid Muzaffar al-A'la al-Khwarizmi al-Khazaraspi. He was an outstanding mystic and famous poet of his time. From his spiritual heritage we inherited Risalai Odina Eshan, Miftah al-Asrar (Key of Secrets), Mir'at al-Abidiin (Mirror of Prayers), Tauba at-Talibin (Repentance of Disciples) and “Tarjimai Duoy-i Qunut” (“Translation of Dua Kunut”) which have come down to us. They are stored in the treasury of manuscripts of the Institute of Oriental Studies of the Uzbekistan Academy of Sciences.

The study analyzes the philosophical views of the scholar on the question of the relationship between the soul and the body and the participation of the Creator in this process.

Key words: *Odina Eshan, Sufism, spirit, soul, tajalli, uluhiyyat, Ainul-yaqin, haq al-yaqin, rububiyat, wahdat al-wujud, ilmi qhaib, Holy Quran.*

Бизнинг авторлар

1. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, ЎзРФА вице-президенти
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусратович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими.
6. **Каримов Шерзод Шавкат ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти бўлим мудири.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – тарих фанлар номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти катта илмий ходими.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – тарих фанлар номзоди, Самарқанд Давлат университети тарих факултети тарихшунослик ва манбашунослик кафедрасининг доценти
10. **Разаков Фаррух Абдумўминович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

11. **Разакова Мавжуда Саттаровна –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, картотека бўлими мудири.
12. **Таниева Гулдона Мамановна** – тарих фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти.
13. **Тошев Солижон Аҳмаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшқабулович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

Наши авторы

1. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан, вице-президент АН РУз.
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института Востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусротович** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – доктор философсик наук (PhD) по истории, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримов Шерзод Шавкат угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института Истории Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – кандидат исторических наук, доцент кафедры историографии и источниковедения исторического факультета Самаркандского государственного университета.

10. **Разаков Фаррух Абдумумнович –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Разакова Мавжуда Саттаровна** – кандидат исторических наук, заведущий отделом картотеки Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистана.
12. **Таниева Гулдана Мамановна** – доктор исторических наук, доцент Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами.
13. **Тошев Соледжон Ахмаджонович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшкабулович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bakhrom A. Abdukhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, Director of the Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, vice-present UzAS.
2. **Dilora N. Radjabova** – Candidate of Historical Sciences, Associate Professor of the Department of the Historiography and Source Studies, history faculty Samarkand state university
3. **Farrux A. Razakov** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Farrux E. Fayzullayev**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Faxriddin N. Ibragimov** – Senior scientific researcher of Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
6. **Guldona M. Taniyeva** – DSc, dotsent of the Tashkent Pedagogical University name after Nizami.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher at the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mavjuda S. Razakova** – Candidate of Historical Sciences, Head the filing department, institute of oriental Abu Rayhan al-Biruni Academician of the Academy of Sciences of the Respublik of Usbekistan.
9. **Nargiza A. Ismatova**– Doctor of Philosophy in historical sciences (PhD), Researcher at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
10. **Natalya E. Karimova** – Doctor of Science (in History), Professor, head of the department of Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
11. **Oksana G. Pugovkina** – Senior Research Fellow, Institute of History Academy of Sciences of Uzbekistan.

12. **Sherzod Sh. Karimov**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Shoira M**. **Akramova** – Junior Researcher of Institute of Oriental Studies of Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
14. **Solejon A. Toshev** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan.